

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 248-ҳадис

248 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «كُلُّ أُمَّتِي مُعَاوِيٌّ إِلَّا الْمُجَاهِرِينَ، وَإِنَّ مِنْ الْمُجَاهِرَةِ أَنْ يَعْمَلَ الرَّجُلُ بِاللَّيْلِ عَمَلًا، ثُمَّ يُصْبِحُ وَقَدْ سَتَرَهُ اللَّهُ عَلَيْهِ فَيَقُولُ: يَا فُلَانُ؛ عَمِلْتُ الْبَارِحَةَ كَذَا كَذَا، وَقَدْ بَاتَ يَسْتُرُهُ رَبُّهُ، وَيُصْبِحُ يَكْشِفُ سِتْرَ اللَّهِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 6069، م 2990].

248. Яна у киши розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Бутун умматим офиятдадир, фақат ошқора гуноҳ қилувчилар мустасно. Кишининг кечаси бир ишни қилиб, Аллоҳ уни сатр қилган ҳолда тонг оттириб, кейин: «Эй фалончи, кеча тунда ундай қилдим, бундай қилдим», дейиши ошқора гуноҳ қилишидир. Робби уни туни билан сатр қилган эди, тонг отгач эса, у ўзидан Аллоҳнинг пардасини очиб ташляпти».**

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Одамзот мақтовга, олқишга, ўзгаларни ажаблантиришга ўч. Шу сабабли инсон қўлидаги бир мулки ёки қилган амали билан фахрланишни, мақтанишни яхши кўради. Кимдир амалини, кимдир мол-дунёсини, яна кимдир эса қилган яхши ва хайрли ишларини гапирганча ҳузур қилади. Одамларнинг ҳавас ва ҳасад ила унинг оғзига термулишидан роҳатланади. Албатта бу яхши одат эмас.

Бироқ, ичимизда шундай одамлар ҳам борки, улар на амали билан, на мол дунёси билан ва на хайр – эҳсон ёки яхшилиги билан мақтанади. Лекин, улар оғзини тўлдирганча, қилган гуноҳи билан мақтанади. Ажабланманг, ҳа, айнан гуноҳи билан, Аллоҳга бўлган маъсияти билан, илмсизлик ила қилган хатоси билан мақтанади. Оғзидан бол томганча, ҳузур қилганча, гўё ҳеч ким удалай олмаган ишни бажариб қўйгандай, айнан қилган гуноҳини ошқор қилиб оғзига қаратади. Улар ўзларига “Худодан беркитмаган бандасидан беркитасанми?” деган гапни шиор қилиб олишган. Бу эса, нафақат яхши одат эмас, балки, динимиз қаттиқ қоралаган ёмон ва хатарли одатдир.

Аллоҳ таоло бандаларига ниҳоятда меҳрибон Зотдир. Инсонларнинг гуноҳларини кечаю кундуз сатр қилган ҳолда яшириб, ҳар дақиқада кечириб, уларга имкониятлар, муҳлатлар бериб туради. Бироқ, ўз айбини ошкор қилиб, ўз гуноҳи ила мақтанганлар Аллоҳ таолонинг бу марҳаматларидан фойдаланмасдан, илмсизлик ила гуноҳ устига гуноҳ орттирадилар. Чунки, гуноҳ қилишнинг ўзи бир гуноҳ бўлса, уни ошкор этиш, у билан мақтаниш, гуноҳни эслаб ҳузурланиш иккинчи бир гуноҳдир.

Аслида банданинг гуноҳи ошкор бўлмаганлиги, инсонлар оғзига тушиб гап-сўз бўлмаганлиги кишининг ўз ишини зўр уддалаганидан, инсонларнинг халойиқнинг кўзига чўп суқиб уддабурунлик қилганидан эмас, балки, Аллоҳ таоло Ўзининг Саттор сифати ила банданинг гуноҳини беркитиб, у гуноҳ билан халойиқнинг ўртасига кўринмас парда тортиб қўйганлигидандир. Бу ҳам катта неъматдир. Чунки, Аллоҳ таоло кимнинг гуноҳини бу дунёда яширса, Қиёмат кунда ҳам беркитиши ҳақида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ишончли ҳадислар келган. Шундай экан, Аллоҳ беркитган гуноҳни ўз тили билан ошкор қилган киши гуноҳнинг кечирилмаслиги учун сабабчи бўлиб қолади.

Асарларда келтириладики: “Агар банда Аллоҳга қайтса, бир нидо қилувчи осмон ва ер аҳлига шундай нидо қилади: “Фалончини муборақбод этинглар. Батаҳқиқ, у Роббиси билан келишиб олди, Аллоҳга қайтди”. Яна келтириладики: “Агар банда насух тавба қилса, Аллоҳ таоло шу бандани устидаги икки фариштага ва ернинг аҳолисига унинг қилган гуноҳларини унуттириб юборади”.

Демак, инсон билиб-билмай гуноҳга қўл урганда уни одамларга ошкор қилмаслиги, балки, гуноҳига тавба қилиши лозим бўлади. Қолаверса, қачондир у гуноҳни эслаганда ҳузурланиши ёки мақтаниши эмас, балки, қалбида пушаймонлик ҳисси ила кечирилишидан умидворлик туйғуси бўлиши керак.

Ўз гуноҳини ошкор қилмасликка, ўз хатосини яширишга буюрган динимиз ҳаргиз ўзгалар гуноҳини, айбини ва хатосини оммага жар солишга ҳаргиз рухсат бермайди. Балки гуноҳидан хабаринг бордир, бироқ, қилган тавба ва истиғфोरини билмассан. Балки, у Роббиси билан келишиб олгандир. Сен эса Аллоҳ ва банданинг ўртасида ёмонотлиқ бўлиб қолмагин.

Манба: hadis.islom.uz



